

Ҳ У К М  
Ўзбекистон Республикаси номидан

2023 йил 25 октябрь

Қува тумани.

Жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди,  
раислик қилувчи З.Омонов,  
судья ёрдамчиси З.Эргашевнинг котиблигида,  
тарафлардан Қува тумани прокурори ёрдамчиси Ҳ.Комилжонов,  
судланувчининг ҳимоячиси - адвокат Б.Сатторов, жабрланувчи А.Алимов  
қатнашувида,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “а”  
банди билан айбланган,

Мамаджанов Кахрамон Каримджонович  
(Mamadjanov Kaxramon Karimdjonovich), 1978 йил 2  
май куни Марғилон шаҳрида туғилган, миллати  
ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси,  
маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзандлари  
бор, мавсумий ишчи, муқаддам ЖИБ Фарғона  
шаҳар судининг 2020 йил 28 июль кунги ажримига  
кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси  
266-моддаси 1-қисми билан унга оид жиноят иши  
мазкур кодекс 66<sup>1</sup>-моддаси тартибида ҳаракатдан  
туғатилган, Фарғона шаҳар, Машъал МФЙ, Ал-  
Фарғоний кўча 1-уй, 18-хонадон яшаган, ЖИБ  
Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 10 декабрдаги  
ажримига мувофиқ, сиртдан “қамоққа олиш”  
қўлланилган, 2023 йил 9 июль куни ушланиб,  
қамоққа олинган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023  
йил 27 июль куни олганга оид,

1-1501-2303/1662-сонли жиноят ишини суд биносида, очиқ суд  
мажлисида кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувини тинглаб,  
жиноят иши ҳужжатлари ва унда мавжуд далилларни атрофлича таҳлил  
қилиб, тарафлар музокараси, судланувчининг музокара ва охирги сўзини  
тинглаб ҳамда уларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Мамаджанов Кахрамон ўзганинг ишончига кириб,  
жабрланувчининг кўп миқдордаги мулкани фирибгарлик йўли билан  
талон-торож қилиб, қасддан оғир жиноят содир этган.

Жумладан, судланувчи К.Мамаджанов 2022 йил йил октябрь ойи  
ўрталарида жабрланувчи А.Алимовни алдаб, унинг давлат рақами 60 С  
119 LA бўлган “Lacetti” русумли автомашинасини 10.700 АҚШ долларига



(жиноят содир этилган қуни 1 АҚШ доллари 11.108.25 сўмдан, 10.700 АҚШ доллари жами 118.858.275 сўмга тенг) олиб, пулини 20 кунда беришини айтиб, жабрланувчини ишонтириб, сўнг автомашинани таниши Ш.Ёқубовга 9000 АҚШ долларига сотиб, қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, жабрланувчи А.Алимовнинг кўп миқдордаги мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи Мамаджанов Кахрамон судда ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ўзи моддий томондан қийналиб қолганлиги сабабли, 2022 йил октябрь ойи ўрталарида таниши А.Алимовнинг сотиладиган “Lacetti” русумли автомашинаси борлигини билиб, унинг машинасини 10.700 АҚШ долларига савдолашиб, пулини 15-20 кунда беришини айтиб, машинани олиб кетгани, сўнг машинани Ш.Ёқубовга 9000 АҚШ долларига сотгани ва А.Алимовдан илтимос қилганида, у машинани Ш.Ёқубовга ўтказиб бергани, ўзи Ш.Ёқубовдан олган пулларни бошқа шахслардан бўлган қарзларига бериб юборгани ва жабрланувчи А.Алимовга машина учун пулларни ўз вақтида бера олмагани, сўнг А.Алимов ундан бир неча бор пулларини сўраганда, ўзи унга пулларини тез орада беришини айтиб, шароитини тушунтиргани, аммо орадан бир неча ойлар ўтса-да жабрланувчига пулини бера олмагач, А.Алимов унинг устидан ИИБга ариза қилгани, судда жабрланувчига етказилган моддий зарарлар акаси томонидан тўлиқ қоплаб берилгани ва ўзи жабрланувчидан кечирим сўрагани, ҳозирда содир этган қилмишидан пушаймонлигини айтиб, суддан ўзига енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Алимов Акбаржон судда кўрсатув бериб, судланувчи К.Мамаджанов унинг таниши экани, ўзи машиналар олди-сотдиси билан билан шуғулланишини, 2022 йил куз ойларида К.Мамаджанов унинг “Lacetti” русумли автомашинасини 10.700 АҚШ долларига баҳолаб, пулларни 20 кунда олиб келиб беришини айтиб, уни ишонтиргани, ўзи унинг гапига ишониб, машинани унга насияга сотгани, орадан бир неча кун ўтиб, К.Мамаджанов автомашинани Ш.Ёқубовнинг номига ўтказиб беришни, ўзи машинанинг пулини тез кунда беришини айтганда, ўзи унинг гапига яна ишониб, машинани Ш.Ёқубов номига ўтказиб бергани, аммо К.Мамаджанов уни алдаб машинанинг пулини бермагани, сўнг ўзи судланувчи устидан ИИБга ариза қилгани, ҳозирда ўзига етказилган моддий зарарлар судланувчининг акаси томонидан тўлиқ қопланганини айтиб, суддан судланувчи К.Мамаджановга енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Ёқубов Шоҳруҳ судда кўрсатув бериб, 2022 йил октябрь ойида таниши К.Мамаджанов билан учрашганда, у ўзига пул зарур бўлиб қолгани сабабли машинасини сотишини айтгани, шунда ўзи судланувчи билан савдолашиб, унинг ихтиёридаги “Lacetti” русумли, давлат рақами 60 С 119 LA бўлган автомашинани 9000 АҚШ долларига сотиб олгани ва пулларни К.Мамаджановга бергани, сўнг жабрланувчи А.Алимов келиб, нотариал тартибда машинани унинг номига ўтказиб бергани, кейинчалик судланувчи К.Мамаджанов жабрланувчи А.Алимовга машинанинг пулини бермаганидан хабар топганини баён этди.



Судланувчи К.Мамаджанов ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби, судда ўқиб эшиттириб текширилган гувоҳ Л.Бурхонхўжаевнинг дастлабки терговда берган кўрсатуви, шунингдек, ишга қўшилган жабрланувчининг аризалари, видеоёзувлар туширилган диск ва олинган тушунтириш хатлари билан тўлиқ тасдиқланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи К.Мамаджановнинг жинойи қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки судланувчи К.Мамаджанов жабрланувчининг кўп миқдорни ташкил этган 10.700 АҚШ долларлик (жиноят содир этилган кун 1 АҚШ доллари 11.108.25 сўмдан, 10.700 АҚШ доллари жами 118.858.275 сўмга тенг) мулкни фирибгарлик билан қўлга киритган.

Суд, судланувчи К.Мамаджановга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, жабрланувчига етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани ва қарамоғида уч нафар фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

-шунингдек, судланувчи қамоқда сақланган кунларни тайинланган жазодан Жиноят кодекси 62-моддасига 1-қисми “б” бандига асосан чегиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Мамаджанов Кахрамон Каримджонович (Mamadjanov Kaхramon Karimdjonovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли топилсин.

Судланувчи Мамаджанов Кахрамонга Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан ойлик иш ҳақини 20 фоизини давлатга ундирган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи К.Мамаджанов қамоқда сақланган 3 ой 16 кун, Жиноят кодекси 62-моддаси 1-қисми “б” банди тартибида тайинланган жазодан чегирилиб, унга ўташ учун узил-кесил ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ундирган ҳолда 2 йил 1 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазони ижро этиш Фарғона шаҳар ИИБ пробацция бўлимига юклатилсин. Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ пробацция бўлими томонидан белгиланган жойларда ўтаттирилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум пробацция бўлими томонидан белгиланган жойда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.



Судланувчи К.Мамаджоновга қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, судланувчи суд залида қамоқдан озод этилсин.

Жабрланувчи А.Алимовга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган, йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи :

З.Омонов

